13 (395)
2004 йил 31 март
Чоршанба

ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

# Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг нашри

Сотувда эркин нархда

-саҳифада
2 ► Қонунни уқмаган мутасаддилар...
► Янги оқсоқолнинг янгича уйлари
3 ► Сурхонда хонадонлар чароғон бўлсин.
4 ► Ёмонлик қилмаслик — яхшилик
► Ўйин муҳимми, ўқиш?!

# ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом КАРИМОВ 30 март куни Оқсаройда Литва Республикасининг собиқ Президенти Валдас АДАМКУСни қабул қилди.**

Ўзбекистон — Литва муносабатлари ҳар томонлама жадал ривожланмоқда. Мамлакатларимиз сиёсий, савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, маданий-маърифий соҳаларда ҳамкорликни фаол ривожлантириб келяпти. Ўзбекистон раҳбари 1995 йилнинг июнида давлат ташрифи ва 2002 йилнинг сентябрида расмий ташриф билан Литвага борди. 1997 йил февралда Литва раҳбари, 1995 йил декабр ва 2002 йил февралда Бош вазири Ўзбекистонга келди. Олий даражадаги мулоқотларнинг давомийлиги мамлакатларимизда ўзаро ҳамкорликка интилиш кучли эканидан далолатдир.

Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия бу борадаги ҳамкорликни ривожлантириш чора-тадбирларини ишлаб чиқмоқда. Айни пайтда Ўзбекистонда Литва сармояси иштирокида тузилган 24 корхона фаолият кўрсатмоқда.

Илмий-техникавий ва маданий-маърифий ҳамкорлик доирасида электроника, материалшунослик, ахборот технологиялари, исиқлик энергетикаси каби соҳаларда қўшма илмий тадқиқотлар ўтказилмоқда. Тошкентда 1993 йилдан буён Литва маданият маркази ишлаб турибди. 2001 йилнинг июлида Вилнюс ва Виссагинос шаҳарларида Ўзбекистон маданият марказлари ишга тушди.

Оқсаройдаги учрашувда Ўзбекистон-Литва муносабатлари, минтақавий хавфсизликка доир ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди. В.Адамкус яқинда Тошкентда содир этилган террорчилик ҳаракатларидан жабр кўрганларнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик изҳор этиб, қўпорувчилар ўзбек халқининг иродасини бука олмаслигига, Ўзбекистон ёвуз ниятли кучларга муносиб зарба бериб, ўз тинчлик ва барқарорлигини сақлаб қолишига қатъий ишонч билдирди.

Литванинг собиқ раҳбари ҳозирги кунда ЮНЕСКОнинг яхши ният элчиси сифатида фаолият юритмоқда. Президент Ислом Каримовнинг Фармонига биноан Ўзбекистон — Литва муносабатлари ривожига қўшган улкан ҳиссаси ва икки мамлакат халқлари ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик риштаper мустаҳкамлаш йўлидаги хизматлари учун Валдас Адамкус «Буюк хизматлари учун» ордени билан тақдирланган эди.

Музокара якунида Президент Ислом Каримов меҳмонга «Буюк хизматлари учун» орденини топширди.

(ЎзА)

## ЧУҚУР ҲАМДАРДЛИК

**Ўзбекистон ва Россия Президентлари Ислом Каримов ва Владимир Путин сешанба куни телефон орқали суҳбатлашиб, терроризмга қарши курашда ҳамкорликни ривожлантиришнинг амалий жиҳатларини муҳокама қилдилар. Россия Президенти Ўзбекистондаги террорчилик ҳаракатлари натижасида ҳалок бўлганлар ва жабр кўрганларнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик изҳор этди, Ўзбекистон раҳбариятига бардамлик тилади.**

* * *

**30 март куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмонов телефон орқали мулоқотда бўлди. Тожикистон раҳбари 28-29 март кунлари Тошкент шаҳри ва Бухоро вилоятида содир этилган мудҳиш террорчилик ҳаракати туфайли ҳалок бўлганларнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этди.**

**Президент И.Раҳмонов, террорчиликка қарши курашда биз ҳамиша Ўзбекистонни қўллаб-қувватлаб келганмиз, бундан кейин ҳам қўллаб-қувватлаймиз, дея ишонч билдирди. «Биз ҳамиша бирга бўлганмиз, бундан кейин ҳам доимо бирга бўламиз», деб таъкидлади И.Раҳмонов.**

* * *

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига**

**Муҳтарам Президент жаноблари, даҳшатли портлашлар оқибатида 19 кишининг ҳалок бўлиши ва кўпчиликнинг жароҳатланиши муносабати билан Сизга ва қурбон бўлганларнинг оила аъзоларига самимий ҳамдардлик изҳор этаман.**

**Омон қолганларга тезда соғайиб кетишларини тилайман.**

**Герхард ШРЁДЕР,**
**Германия Федератив Республикаси Федерал канцлери**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ РАСМИЙ АХБОРОТИ

**2004 йил 30 март куни эрталаб соат 7 дан 20 дақиқа ўтганда Тошкент вилояти Қибрай тумани «Умид» ширкат хўжалиги «Бойжигит» маҳалласида (Қорамурт кўчаси, 1-»А» уй, 20- хонадон) ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан қуролланган жангарилар гуруҳи аниқланди.**

**Қўлга олиш жараёнида 20 кишидан иборат террорчилар қўлбола портловчи мосламалар ёрдамида ўзини ўзи портлатиб юборди.**

**Портлаш чоғида 3 нафар милиция ходими ҳалок бўлди, 5 нафар милиционер турли даражада жароҳатланди. Мазкур террорчилик ҳаракати юзасидан тергов ишлари олиб борилмоқда.**

## ХАЛҚИМИЗ ФИКРИ ЯКДИЛ: ЁВУЗЛАР МАҚСАДИГА ЕТОЛМАЙДИ!

**Юртимизда юз берган террористик ҳаракатлар, айниқса, бегуноҳ инсонларнинг қурбон бўлиши барча юртдошларимизнинг қалбини ларзага солди, ҳар бир онгли, шу Ватанга, эл-юртга садоқатли инсон қалбида бундай ҳаракат ижрочиларига нисбатан нафрат туйғуси уйғонди.**

Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас, зотан халқимиз азалдан ҳатто қуш уясини бузган одамга ҳам нафрат кўзи билан қараган. Аммо бугун бир ҳақиқатни ҳеч тортинмай айтиш керак. Бундай ёвуз ниятларга фақат нафрат кўзи билан қараб, бу нафратимизни сўзамоллик билан ифодалаб, уларни қарғаб ўтириш билан биз — юртдошлар ўз вазифамизни бажардик, десак хато бўлади.

**Мана шундай мураккаб вазиятда мен кўпни кўрган, машаққатли синовларда ўзининг мардлиги ва матонатини намоён этган, эл-юрт учун ўзини аямасдан хизмат қилаётган маҳалла жамоатчилигига, барча маҳалла оқсоқоллари ва фаолларига, менинг болаларим, фарзандларим бўлган маҳалла посбонларига алоҳида мурожаат қилмоқчиман,** дея маҳалла фаолиятининг бу вазиятдаги ўрнига алоҳида урғу берди Юртбошимиз Ислом Каримов шу воқеалар муносабати билан Ўзбекистон телевидениеси учун берган интервьюсида.

Агар дунёда юз бераётган шунингдек, бундан беш йил аввал юртимизда амалга оширилган террорчилик ҳаракатига баҳо берадиган бўлсак, буларнинг барчасининг мақсади мамлакат ривожига халақит бериш, тинч аҳолини қўрқувга солиш, уларни тинч-фаровон ривожланиш йўлидан чалғитишдан иборат. Бунинг учун инсонлар қурбон бўлиши ҳам уларни ўйлантирмайди. Шу кунларда юртимизда юз берган хўнрезликнинг ҳам мақсади ҳаммага аён. Айниқса, бу ҳаракатлар халқимизнинг энг қадрли, эъзозли байрамларидан бири — Наврўз тантаналари кунларида амалга оширишга қаратилганлиги (буни бугун барча сезиб турибди) нимани англатади? Шубҳасиз, террорчи биринчи навбатда тинч халқнинг душмани эканлигини англатади.

Ҳа, бизнинг юртимизда ҳар бир инсонга ёд бўлган ўз уйини ўзи асраш ҳақидаги даъватни шу боисдан ҳам яна бир бор қўллаб-қувватлагинг келади. Бўлиб ўтган воқеалар бу сўз замирида ҳаётий мазмун борлигини яна ёрқинроқ англатади.

Маҳалла — катта куч. Шубҳасиз бугунгидек вазиятда, бугун юз берган террорчилик ҳаракати иштирокчиларини аниқлашда, унинг олдини олишда маҳалла фаолларининг нафақат иштироки, балки фидойилиги зарур. Буни уларнинг ўзи ҳам чин кўнгилдан англаб етганлар. Шу боисдан юртимизда айнан уларнинг иштирокида огоҳлик, ҳушёрлик даъвати, жойларда назорат кучайди. Аммо бугун маҳалла фидойиси фақат оқсоқол ёки унинг посбонлари бўлади, деб қўл қовуштириб ўтириш ҳеч бир юртдошимизга хос бўлмаслиги керак. Оқсоқол, маҳалла посбонлари, ички ишлар ходимлари атрофида фидойилар, фаоллар кўмаги, маслаҳати, саъй-ҳаракати, огоҳлик ва ҳушёрликка чорловчи даъвати жуда зарурдир.

Шундай қилиб, Президентимиз Ислом Каримов даъват этганидек ёвуз кучлар халқимизни ўз танлаган йўлидан қайтара олмайди, разил кимсаларнинг эса башараси аён бўлади, ўз муносиб жазосини олади.

Қашқадарё вилояти

## ҲУШЁРЛИК ҲАММАГА, ҲАР ОНДА КЕРАК

**Бир куни маҳаллани айланиб юрганимизда икки бегона йигитга кўзимиз тушди. Маданият қоида-қонунларидан чиқмаган ҳолда уларга яқинлашиб қаердан келишгани, кимнинг меҳмонлари эканлигини суриштирдик.**

Очиғи улар бироз ранжигандек бўлишди. Эртасига улар меҳмон бўлиб келган хонадон соҳиби маҳалла идорасига чиқиб, "уларни суриштиришга нима ҳақларинг бор" дегандек тушадилар. Сир эмас, ўша "квартирантлар" яшаётган хонадонларини шип-сийдам қилиб кетаётганлари ёки бошқа ҳаракатлари билан уларнинг юзини ерга қаратаётганқизингизни суриштирганда ҳам сира хафа бўлмаслигингиз керак. Ахир "бир ўғилга етти маҳалла оталик қилади", деган гап бор. Ота-боболаримиз буни бекорга айтишмаган.

Кечагина республикамиз пойтахти Тошкентда ва Бухоро вилоятида бўлиб ўтган нохуш воқеалар бизни янада ҳушёрликка чорлаши керак. Айниқса, маҳалла фаолларининг оқилона ёндашуви керак бўлагап-сўз қилди. Албатта биз бунинг сабабларини яхшилаб тушунтирдик.

Энди ўзингиз ўйлаб кўринг, биз кўнгилга тегадиган қандай иш қилдик. Сўраб-суриштиришнинг нимаси ёмон. Ҳозир ҳушёрликни оширадиган, бамайлихотирликка берилмайдиган замон. Халқимиз бекорга: "ўзингдан эҳтиёт бўл, қўшнингни ўғри тутма" демаган ахир.

Маҳаллалардаги фуқаролар айрим ёшларнинг кимлиги, касби-кори, қаерда ўқишини суриштирмай, уларнинг ёлғон гапларига ишониб, берадиган пулидан манфаат кўраман деб уйларидан жой берадилар. Афсуски, ана шу яхшиликка ёмонлик билан жавоб олиб чув лиги ҳолатлари учраб турибди. Ҳатто булардан-да даҳшатлироқ фожеалар ҳам юз беради.

Тарбияси оғирроқ, оёқ босиши чакки йигит-қизлар анча вақт кўринмай қолишса, уларнинг ота-оналаридан бунинг боисини, қаерга, қандай юмуш билан кетганини суриштиришга тўғри келади. Айрим ота-оналар бундан шунақа ҳам ранжийдиларки, ҳатто ҳақорат қилишгача бориб етадилар. Биз бу бизнинг вазифамиз эканлигини зўрға тушунтириб жаҳлдан туширамиз. Қолаверса, юрт, одамлар тинчлиги учун шундай йўл тутиш тақозо этилаётганлигини Ички ишлар бўлимлари ходимларигина эмас, қўни-қўшнилар ўғил ёки ди бу ўринда. Президентимизнинг Ўзбекистон телевидениесига берган интервьюсидаги айтилган гаплар, фикрлар ҳеч биримизни бефарқ қолдирмаслиги керак. Уйдами, кўчада ёки маҳалладами ҳушёр бўлайлик. Шундагина ҳар бир касофатнинг олди олинади. Юртбошимиз таъкидлаганларидек, кичикми, каттами ҳар қандай террорчиликнинг олдини олишда маҳалла аҳлининг, кўпни кўрган қарияларимизнинг айниқса, бизга ҳамкасб бўлган маҳалла посбонларининг ўрни бўлакча.

**Шавкат ТЕМИРОВ,**
**Қарши шаҳридаги Чаримгар маҳалласининг посбони.**

Тошкент шаҳри



Юртимиз осойишталигини, халқимиз тинчлигини қўриқлашда ҳуқуқ-тартибот органлари билан яқиндан ҳамкорлик қилаётган маҳалла посбонларининг ҳиссаси беқиёс бўлмоқда.

**СУРАТДА: С.Раҳимов тумани Чиғатой Оқтепаси маҳалласидаги таянч пункти нозири милиция катта лейтенанти Зокир Деҳқонов маҳалла посбони Фаррух Болиев билан.**

Р.ГАЛИЕВ олган сурат.

## ИНСОНЛАРНИ АСРАЙЛИК

**Мустақиллик бизга берган имконларни асрайлик,**
**Кундан кунга яшнаётган бўстонларни асрайлик!**

**Ўзимиз, ўз уйимизни асрайлик бўлиб огоҳ,**
**Ҳар хил бало-қазолардан ошиёнларни асрайлик!**

**Ваҳҳобийми ул ва ёки жангари, сотқин, хоин,**
**Беандиша кимсалардан маконларни асрайлик!**

**Бу оламда ҳатто қушнинг уяси ҳам бузилмасин,**
**Она замин, ҳам мусаффо осмонларни асрайлик!**

**Турфа гуллар сочсинлар бўй, йўлламасин қон ҳиди,**
**Тинчлик деган буюк неъмат — эҳсонларни асрайлик!**

**Ҳар қарич ер мисоли дур, жавоҳир у гавҳардир**
**Юртбошимиз ардоқлаган юртдошларни асрайлик!**

**Боболардан бизга мерос қолган катта бойликни**
**Урф-одату куй-қўшиқни, достонларни асрайлик.**

**Абдулла САФОЕВ.**

**Хоразм вилояти.**

Обуна-2004
Mahalla


## ТОШКЕНТ БЎЙЛАБ 260 КИЛОМЕТР

***ТОШКЕНТ. /ЎзА мухбири Холмурод САЛИМОВ/. Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти ҳамда Республика техник ва амалий спорт турлари маркази ташаббуси билан автопойга бўйича мамлакат биринчилиги бўлиб ўтди.***

— Тошкент шаҳридан старт олган йигирма икки экипаж пойтахт вилояти бўйлаб 260 километр масофани босиб ўтди, — деди учрашув бош ҳаками Ғайрат Каланов. — Унда Тошкент шаҳри ва вилоятлардан келган 54 спортчи куч синашди.

И.Ледовских, В.Быков, У.Гафаров, О.Наджимов, С.Горбунов, Н.Антоненко, Ш.Жумаев ҳамда И.Обиджонов ўз йўналишларида ғолиб чиқди.

Икки кун давом этган мусобақада пойтахтликлар умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни қўлга киритди. Иккинчи ўрин самарқандлик пойгачиларга, учинчи ўрин эса Тошкент вилояти вакилларига насиб этди.

● Маҳалла тизимида

# ПЕДАГОГ-ТАРБИЯЧИГА ҲАМКОР

**Давлатимиз томонидан ёшлар тарбиясига, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, жиноят олами, диний экстремистик оқимлар таъсиридан сақлаш, ҳуқуқбузарлик ва жиноят содир этишларига йўл қўймасликка катта эътибор қаратилмоқда.**

Жумладан, бундан икки йил муқаддам Вазирлар Маҳкамасининг Қарори асосида маҳалла фуқаролар йиғинлари таркибида ёшлар ўртасида ташкилий-тарбиявий, оммавий-спорт ишларини ташкил этувчи педагог-тарбиячи лавозимининг жорий этилиши ёшларга бўлган эътиборнинг долзарблигидан далолат беради.

Педагог-тарбиячилар ёшлар ва вояга етмаганлар орасида турли хилдаги ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олиш, диний экстремистик оқимларга мансуб шахслар томонидан уларнинг дунёқараши, онгига салбий таъсир кўрсатишларига қарши чора-тадбирни амалга оширмоқда.

Педагог-тарбиячи иш фаолияти самарадорлигини ошириш, уларга услубий ёрдам кўрсатиш мақсадида ўтган йилдан буён "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар ва туман бўлимлари қошида "Маҳалла ёшлари тарбиячиси" маркази иш олиб бормоқда.

Марказ ўз фаолиятида педагог-тарбиячилар иш йўналишида уларга зарур услубий ёрдам кўрсатиш, фуқароларнинг фаоллигини ошириш йўли билан ҳуқуқий-демократик давлат қуриш жараёнини жадаллаштириш, турли идора, давлат ва жамоат ташкилотларининг ёрдамига таянган ҳолда ёшлар ва вояга етмаганларнинг ҳуқуқий онгини юксалтириш, улар томонидан ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар содир этилишининг олдини олиш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги ҳамкорликдаги ишларни кучайтириш каби масалаларни қамраб олган.

Марказда педагог-тарбиячиларнинг малакасини ошириш мақсадида ўқув семинар машғулотлари ташкил этилмоқда.

Марказ ташкил қилингандан кейин турли йўналишдаги тадбирларнинг сони ва савияси ошди. Натижада маҳалла ёшлари бир-бирларини таниди. Маҳоратини баҳолашга, қобилиятларини намоён қилишга, дўстлашишга имкониятлар яратилди. Жумладан, уларнинг муаммо ва таклифларини ўрганиб чиқиш мақсадида шаҳар миқёсида ўтказилган мониторинг катта натижалар берди. Тажриба алмашиш борасида 11 та туман марказ раислари бевосита якка тартибда ҳар бир педагог-тарбиячи билан суҳбат, савол-жавоб олиб бордилар. 34 хил савол тузилиб ўзаро тақсимланди.

Маҳаллалардаги педагог-тарбиячилар бир-бирларининг ишлари билан танишдилар, ўзаро тажриба алмашдилар.

Шу билан бирга қониқарли ишлаётган маҳалла педагог-тарбиячиларни "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими томонидан рағбатлантириб туриш мақсадида уларни ҳар ойда пойтахтимиздаги турли маданий масканларга олиб бориш режалаштирилди.

Ҳа, педагог-тарбиячилар вояга етмаганлар орасида жиноятчиликнинг олдини олиш, маҳаллалар ёшларининг хавфсизлигини таъминлаш борасида кўплаб тадбирлар ўтказмоқда. Уларга бўлган бундай эътибор давлатимизнинг келажакдаги ворислари етук инсонлар бўлиб тарбияланаётганидан дарак беради.

**Гулнора АБДУВАҲОБОВА,**
**Тошкент шаҳар маҳалла ёшлари тарбиячилари маркази раҳбари.**

# МҲСДнинг ҒАМХЎРЛИК ТАШАББУСИ

***Маълумки, уч йилдан буён мамлакатимизда АҚШ нинг Халқаро Ривожланиш Агентлиги (USAID) томонидан маблағлаштирилган "Маҳалла ҳаракатини сармоялаш дастури" (МҲСД) амалга оширилмоқда.***

Яқинда МҲСД ташаббуси билан Қарши ва Термиз шаҳарларида бир кунлик Форум ташкил этилди. Унда Қашқадарё ва Сурхандарё вилоятларидаги 72 маҳалланинг 250 дан ортиқ фаоллари иштирок этдилар.

Форумда ёшлар орасида учраётган муаммо ва камчиликларни бартараф этиш, уларга иқтидор ва имкониятларини намойиш этиш учун замин яратиш, шунингдек, бу борада маҳалла оқсоқоллари ва фаоллари кўмагига таяниш каби муҳим масалалар ҳақида сўз борди.

Тадбир кун тартибидан ёшлар ҳаётидаги долзарб муаммолар муҳокамаси, ёшлар фаолиятига қаратилган халқаро ва маҳаллий ташкилотлар вакилларининг давра суҳбати ўрин олди.

Йиғилиш ёшлар изланишларининг самарасини ўзида акс эттирувчи ҳужжат — Ёшлар хартиясини тузиш билан якунланди. Мазкур хартия ёшлар учун сифатли тиббий хизмат кўрсатиш, ўқув масканларида компьютерлардан кенг фойдаланиш, замонавий технологиялар асосида масофавий таълим тизимни тараққий эттириш, вилоятларда спортни ривожлантириш мақсадида янги спорт иншоатларини қуриш, ёшларнинг иқтисодий фаоллигини ошириш учун уларга кредитлар ажратиш каби муҳим талабларни бажаришни ўз зиммасига олади. Шунингдек, ҳар бир вилоятда хартияларни тарғибот қилиш ва уларнинг фаолиятини назорат қилишни таъминлайдиган қўмиталар ташкил этилади.

**Фаррух БЎТАЕВ,**
**"Mahalla" мухбири.**

Mahalla

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида **060** рақами билан рўйхатга олинган.
**Нашр кўрсаткичи:148**

**Ҳомий:**
«Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

**Таҳририят манзили:**
Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй

**Телефонлар:**
Қабулхона — 136-53-93.
Тел/Факс: — 133-44-25.
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62.

**Муассислар:**
Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви,
«Mahalla» газетаси таҳририятининг меҳнат жамоаси.

Қалб мавжи



**Турғунбой Турсунбоевнинг асли касби педагог. У Чиноз туманидаги мактабда 35 йил давомида чет тилидан сабоқ бериб, нафақа чиққан. Унинг ижодий шеърлари республикамизнинг кўплаб нашрларида мунтазам чоп этилиб келинмоқда.**

## РУБОИЙЛАР

Чекармиз озор ҳар жабрпешадан,
Нокаслар бенасиб ор-андишадан,
Лой етмай қолганму, азал кулоли
Кўнгилни ясабдур нозик шишадан.

* * *

Ватанга ишқу жонфидолик яхши,
Якватанлик ва якхудолик яхши,
Бегона юртларда бек бўлганидан
Менга ўз юртимда гадолик яхши.

* * *

Фалончи ўлди, деб хабар бердилар
Хабардан баъзилар ҳайрон эрдилар:
Шунчалар устамон эдиким марҳум,
— Бу одам ўлмаса керак, — дердилар.

* * *

Қўлингдан келса, қил ҳар дам яхшилик,
Номаи аъмолга ҳашам яхшилик,
Яхшилик агарда келмас қўлингдан,
Ёмонлик қилмаким, бу ҳам — яхшилик.

## «ШОИР» ЖИЯНИМГА

*Айрим шеърларга шеърий тақриз*

Ўқиб шеърингни, жиян, солиб кўрсам элакка,
Ун-урвоқдан нишон йўқ, зўр берибсан кепакка.

Раҳмат, сенга, бедорлик менга азоб берарди,
Шеъринг охирламасдан кетубдурман пинакка.

Кўп қийналибсан, чоғи, қофияга сўз излаб,
Йўқса нега "мушук"ни алмаштирдинг "пишак"ка?

Чойдан ҳўплаб ёзавер, қалам ҳақи зўр бўлур,
Шеъринг агар чўзилса ўхшаб аччиқ ичака.

Нелар демоқчи бўлдинг турфа бу битикларда,
Балки, фикринг аёндур қодир мавлонга якка...

Ўқувчининг кўнглига шеърда яқин турмасанг,
Бу — ўт ёқиш эмасму, қумғон илиб теракка?

Шоирликнинг, азизим, ҳадисини унутма:
Шеър юракдан чиқсину, бориб етсин юракка!

## НЕ УМИД...

Яхшиямки яхшилар кўпдур, ёмондан не умид,
Бангию кўкноридан, ҳар кун пиёндан не умид.

Эй ўғил, илму ҳунар олгин, ҳалол меҳнатни сев,
Ишга ночору таомга паҳлавондан не умид.

Ҳур Ватанни сақламоққа марди майдонлар керак,
Сўврати шерваччаю қалби қуёндан не умид.

Гар тижорат аҳлидансан, иш юрит инсоф билан,
Тош-тарозудан урувчи устамондан не умид.

Ҳайру эҳсон айлаким, бўлгай зиёда давлатинг,
Кўнглида раҳмони йўқ бойи замондан не умид.

Бир умр зар йиғди Ҳорун, жонидек асраб уни,
Лек ажал етгач, тушунди: зарру жондан не умид.

Бу жаҳонда тутмасанг меҳру мурувват расмини,
Эй Чинозий, айлагайсан ул жаҳондан не умид?

**Турғун ТУРСУНБОЕВ**

Ҳамкасбга туҳфат ўрнида

## ЭЛЛИГИНЧИ БЕКАТГА ЁРУҒ ЮЗ БИЛАН



***Умрни кўп нарсага қиёслашади: оқар сув, шамолдек югурик, равон ёки нотекис йўл... Лекин инсон қанча яшагани эмас, қандай яшагани, нималарга эришгани, одамларга нечоғлик нафи теккани, ҳаётда ўз ўрнини қай даражада топгани муҳим.***

Бугун биз сўз юритмоқчи бўлган инсон — Фармон Тошев Самарқанд вилояти "Зарафшон" газетаси бош муҳаррири, вилоят кенгаши депутати, "Меҳнат шуҳрати" ордени соҳибидир. У кишини таниганлар нафақат ўткир қаламкаш, қолаверса меҳрибон устоз сифатида ҳам қадрлашади. Дарвоқе, устознинг бир қанча шеърий ҳамда насрий йўлда битилган китоблари мухлислари қўлига етиб борган.

Илмга чанқоқлик, интилувчанлик, ўз фикрига эга бўлиш, қатъийлик, камтарлик, самимийлик, фидойилик, касбига садоқат, одамларга, Ватанга муҳаббат каби бир неча ўнлаб фазилатлари туфайли Фармон ака доимо эл ардоғида.

Фармон ака қачон қараманг, елиб-югурганларини кўрамиз у кишининг. Депутатликда ҳам, раҳбарликда ҳам, ижодда ҳам, устознинг ўз ибораси билан айтганимизда, шиддатли, ҳалол, пок ва сидқидилдан Ватан, эл-юрт олдидаги бурчини амалга оширмоқда.

Фармон акани кекса-ю ёш бирдек устоз деб билишади. У кишининг маслаҳатлари, чин кўнгилдан берган насиҳатлари биз, шогирдларнинг ижоддаги фаолиятимизда ҳам, оилада ҳам ўзига хос ижобий таъсирини ўтказиб келмоқда.

Эллигинчи бекатда туриб Фармон ака янги куч, шахдам қадамлар билан йўлида давом этмоқда. Эҳ-ҳе, ҳали манзил узоқ. Олтмишинчи, етмишинчи, юзинчи... бекатларга етгунча қанча эзгу ишлар кутиб турибди. Шогирдларининг яхши-ёмон кунларида доимо ёнида бўлган устозга яна кўп йиллар ҳормай-толмай эл хизматида бўлишини тилаб қоламиз.

**Садриддин НАБИЕВ,**
**Азимжон ҚОДИРОВ.**





**ҚЎЙ (21.03-21.04)**

Нима иш билан машғул бўлишингиздан қатъий назар меъёрдан чиқишдан сақланинг. Иш муваффақияти шунга боғлиқ.

**СИГИР (22.04-20.05)**

"Ишонмагин дўстингга, сомон тиқар пўстингга" деган мақолга амал қилган ҳолда барча маълумотларни текширинг.

**ЭГИЗАКЛАР (22.05-21.06)**

Касбий ҳамкорларингизнинг ҳатти-ҳаракатларини айниқса шу кунларда ҳушёрлик билан кузатинг.

**ҚИСҚИЧБАҚА (22.06-22.07)**

Ўз кечинмаларингиз таъсиридан чиқишга, қатъиятли бўлишга интилинг. Акс ҳолда яқин кунларни бесамар ўтказасиз.

**АРСЛОН (23.07-22.08)**

Шу кунларда сиз учун керакли маълумотларга ўз вақтида эга бўлиш жуда аҳамиятли. Бунга эришиш учун айёрроқ бўлинг.

**ПАРИЗОД (23.08-22.09)**

Шу кунларда ҳаётингизни яхши томонга ўзгартирувчи воқеалар содир бўлади. Фақат ҳовлиқманг.

**ТАРОЗИ (23.09-22.10)**

Сизга хос бўлган дипломатик қобилият айни кунларда тоза "иш беради". Атрофингиздаги кишилар сизга ҳайриҳохлар.

**ЧАЁН (23.10-22.11)**

Уй-жой, кўчмас мулк билан боғлиқ муаммоларни муваффақиятли ҳал этасиз. Рўзғор ишлари ҳам кам эмас.

**ЎҚОТАР (23.11-21.12)**

Айни кунларда касбий фаолиятингизни янада бойитиш ва мукаммаллаштириш билан банд бўласиз.

**ТОҒ ЭЧКИСИ (22.12-19.01)**

Турли молиявий ишлар, ҳамкорликдаги юмушлар сизга катта муваффақият ва маблағ келтириши мумкин.

**ҚОВҒА (20.01-18.02)**

Айрим вақтларда сиз тезкор ҳаракатларингиз туфайли ютуққа эришгансиз. Айни кунларда эса бу ҳолат сизга зарарли.

**БАЛИҚ (19.02-20.03)**

Обрў-эътиборли кишилар билан мулоқотингиз сизга фойда келтириши мумкин. Лекин аҳлоқий қоидаларини суистеъмол қилманг.

## «КАМАРБАСТА» — КЎНГИЛГА ПАЙВАСТА

***Эл-юрт олдида устознинг оқ фотиҳасини олиш шогирд учун азалдан қарз ва фарз ҳисобланган. Қадим Хивада бу удумни қайта тиклаб, оммавий равишда ўтказиш йўлга қўйилди.***

"Камарбаста" деб аталган бу удум Ичанқалъага кираверишдаги Матвафо Карвонбоши мадрасасида ўтказилди. Бу ерга ўймакорлик касби билан шуғулланаётган устозу шогирдлар жам бўлдилар.

Тадбир машҳур наққош Ота Полвонов хотирасига бағишланди. Ўзбек халқ амалий санъатининг таниқли намоёндаси О.Полвонов Хоразмда ёғоч ўймакорлиги мактабига асос солган. Хива обидаларининг навқиронлик касб этишида Ота Полвонов ва шогирдларининг ҳиссалари беҳад. 105 баҳорни қаршилаб оламдан ўтган машҳур наққош ўзидан катта нодир хазина, нурли из қолдирди. Унинг ҳаётда қолдирган энг катта бойлиги эса шогирдларидир.

"Камарбаста" тадбирида қатнашган шогирдлари устози хотираси олдида таъзим қилиб, хизматларини эътироф этишди. "Усто" бирлашмаси Хоразм вилояти бўлими бошлиғи Рўзимат Отажонов наққош шогирдларига тўн кийдирди. Бошқа ўймакор усталар ҳам шогирдларига эл олдида фотиҳа бердилар. Худди шу куни Ота Полвоннинг уй музейи очилди.

**Абдулла САФОЕВ,**
**"Mahalla" мухбири.**



Ним кулги...

## "ОНАНГ ҚАНИ?"

*Султон галдир бугун ҳам дўстлари билан роса мириқиб ўтирди. Тўрт улфат кўрган-эшитганларини бир-бирига достон қилишиб, нақ олтита "оқ шайтон"ни думалатишди.*

Чойхонадан маст ҳолда чиққан улфатлар бир-бирини суяшиб, уйларига равона бўлишди. Ярим тунда уйига кириб келган Султон галдир ташқаридаги сим кроватга ўзини ташлади. Дўстлари ичгандан сўнг алжиб қолишини ҳисобга олиб, унга шу лақабни тиркашган. Вақт алламаҳал бўлганда ташқарига чиққан галдирнинг хотини эрини сим кроватда ётганини кўриб эсхонаси чиқиб кетаёзди.

— Вой ўлмасам, оппоқ қировнинг тагида ётганини қаранг бу кишини. Устида на кўрпа бор, на бошида ёстиқ.

Хотин эрини туртиб уйғота бошлади:

— Ҳов, дардисар, туринг, тезроқ кўзингизни очинг. Совуқда ўлиб-нетиб қолганингиз йўқми? — у эрини қаттиқроқ силкилай кетди.

— Ҳимм, бирор жойга ўт тушибдими?! Сендан чой-пой ёки овқат сўрамаётган бўлсам нега ўз ҳолимга қўймайсан-а?!

— Илдамроқ қимирланг, барака топгур! Кўзим ёрийдиган кўринади, — деди Асолат қорнини ушлаб.

Эр уйқусираб ғўлдиради:

— Кўзинг ёрилган бўлса ойнага қара! Ана Диёра духтирникига бор. Дори-пори суртиб боғлаб қўяди.

— Мен нима дейман, қўбизим нима дейди. Туринг ҳов дадаси, машина топиб келинг. Роддомга бормоқчиман, эшитдингизми?!

— Борсанг боравер-да, мен йўқ деяпманми. Кетавермайсанми бошимни қотирмай. Шуни ҳам ўйлаб ўтирибсанми? Кетавер онаси. Болаларга ўзим қараб тураман.

— Вой бу кишини қаранг, кетавер эмиш! Машина топиб келсангиз бораман-да. Алжираб ўтираверсангиз, доялик қилишингизга тўғри келади.

Галдир хотинининг ҳомиладорлигини бирдан эсладию, ҳуши жойига келди. Худди ток ургандек жойидан сапчиб турди. Тураётиб кроватдан ерга думалади. Асолат эрининг ҳолини кўриб кулишни ҳам, йиғлашни ҳам билмай лабини тишлаб турарди.

Султон галдир қўшниси Абдужалил тажангникига туртина-суртина кириб борди. Бир амаллаб уни чақириб олгач, бидирлай кетди:

— Бу хотинларга ҳам ҳайронсан-ай. Худди футбол ўйинида юз берган ўйиндан ташқари ҳолатдагидек ярим тунда дарди қўзийди. Озибёзиб жўралар билан бир отамлашиб қолувдик. Шу десанг, янганг роддомга боришни ният қилибди. "Оқ тулпор"инг билан олиб бориб ташласанг.

Абдужалил тажанг бу гапни эшитди-ю, жаҳли чиқиб кетди:

— Нега ярим соатдан буён гапни ичакдай чўзасиз. Сизнинг аҳволингиз шу бўлса, янгам аллақачон қўзилаб ўтиргандир.

Абдужалил "боринг-ей" дегандек қўл силтаб машинасини шитоб билан галдирнинг уйига тўғрилади. Йўл бўйи яна мизғишга тушган Султон галдирнинг шифохонага етишгач яна жағи очилди. Машинадан базўр тушаётган Асолатга саннай кетди:

— Заказной ўғил бўлсин, билдингми?! Қиз бўлса уйга бориб юрма. Уйдаги иккитаси етади. Ҳаммаёқ ҳолвага тўлиб кетди ўзи... Мениям ўйлагинда ахир. Агар ўғил туғсанг, улфатлар билан бир яйраб ўтирардик...

Асолат дард азобиданми ёки эрининг гаплариданми, ҳарқалай юзи буришганча шифохонага кириб кетди.

...Галдир кун анча ёйилганда уйғонди. Дастлаб қаерда ётганини англамади. Атрофга аланглаб ўз ҳовлисини таниди. Икки қизи ҳовлида ўйнарди. Увишиб қолган оёғини уқалатишни ўйлаб хотинини чақирди. Жавоб бўлмади. Ўчоқ бошида ҳам кўринмади хотини. "Қаерга гум бўлдийкин? Ҳамсояникига чиққандир", ўйлади Султон галдир. Аранг ўрнидан турди, боши ботмон тош осилгандек оғирлашиб, яна зирқираб оғриқ берди.

— Ҳой, онанг қани? Чой-пой ҳам қилмаптими?

Қизлар токчада турган тугунчага ишора қилишди. Султон галдир шундагина хотинини туғруқхонага ташлаб келганини элас-элас эслади. "Тушим эмас экан-да". Ўзига-ўзи ғудраниб ҳовли этагига йўл солди:

— Эй-ҳа, ойинг бозордан сизларга укача олиб келгани, кетувди-я. Мен бўлсам, "Онанг қани"лаб ўтирибман-а. Ишқилиб буниси ўғил бўлсин-да...

**Ғайрат БОБОҚУЛОВ**

## «МУҲИМ ИШ»

*Талабалик йилларимнинг ҳарорати ҳали сўнмаган чоғларим. Қишлоғимиздаги ўрта мактабга бошланғич таълим ўқитувчиси сифатида ишга кирдим. Ёшларга хос ғайрат билан фаолиятимни бошладим.*

Дарсим бўлса-бўлмаса мактабга келардим, ниҳоят фаолият бошлаганимдан завқланардим.

Ўша кун ҳам одатдагидек эрталабдан мактаб ҳовлисида ҳозир бўлдим. Болаларнинг қий-чувига эътибор бермасликка уриниб, ўриндиққа чўкканча хаёлга берилдим.

— Ҳа, йигитча, институтни соғиндингми? — момақалдироқдек гумбурлаган овоздан чўчиб тушдим. Қарасам, директоримиз Улфат ака тепамда илжайиб турибди. У эллик ёшларда бўлиб, сочларига "қиров тушган" бўлса-да, ингичка мўйлови ўзига жуда ярашган. Бунинг устига ўзини ўқимишли одамларга хос тутган ҳолда, қишин-ёзин оқ кўйлак ва бўйинбоғни канда қилмайди.

— Ассалому алайкум, — дедим ўрнимдан туриб.

— Ваалайкум..., — деди ва ёнимга ўтирди. — Бу дейман Толипов, бўшсан шекилли-а?

Улфат ака барчага бирдек фамилиясини айтиб мурожаат қиларди. Ҳатто катта келини фарзанд кўрганида, чақалоқни қўлига олиб: "Бунча ширинсан, Улфатов", деган экан.

— Бугун дарсим йўқ эди.

— Жуда соз. Эргашевнинг дарсини ўтиб туролмайсанми? Уни муҳим иш билан шаҳарга юбораётувдим, — деди Улфат ака жиддий оҳангда.

— Ахир алгебрага "тишим ўтмайди-ку", — дедим бўшашиб.

— Ҳечқиси йўқ. Алгебрами, бошқасими ишқилиб ўқувчиларни зериктирмай ўтирсанг бўлди.

Рози бўлмай иложим қолмади.

Ҳарқалай қирқ беш дақиқалик дарсни бир амаллаб ўтказдим. Лекин танаффусга кайфиятим бузуқ ҳолда чиқдим. Дарсда қизларнинг сумкасига қурбақа солиб қўйган икки болани ўрнидан турғазиб "лекция" ўқигандим. Коридордан биттабитта қадам ташлаб борарканман, директорнинг очиқ эшиги олдига етганда таниш овозларни эшитиб, бир зум тўхтаб қолдим. Аста ичкарига мўраладим: Улфат ака "шаҳарга муҳим иш билан кетган" Эргашев домла билан бамайлихотир шахмат ўйнаб ўтирарди.

— Кишт, — дея дона сурди Эргашев домла.

Улфат ака бошини сарак-сарак қилиб қўйди. Шу пайт менга кўзи тушиб, ҳеч авзойини ўзгартирмай, ўйин тахтасига кўзини тикди-ю:

— Киравер, Толипов, — деди.— Вақтида келдинг.

Нима тўғрисида ўйлаётганимни уқди, шекилли, изоҳ берди:

— Бу ерда муҳим ишлар турганда, шаҳардаги муҳим ишларга йўл бўлсин.

Яна мен томонга қарамаёқ давом этди:

— Хафа бўлма, сенга яна бир муҳим иш бор: иккинчи соатда Тошпўлатовнинг дарсини ўтиб турасан. Бир адабини бериб қўяй. "Гроссмейстер" у аблаҳ.

**Отабек ҒУЛОМ ўғли**









Р.МУҲИДДИНОВ чизган расм.





Ҳусан СОДИҚОВ чизган расм.

## КРОССВОРД

**БЎЙИГА:** 1. Яхна ичимлик. 2. Сабаб. 4.Ўлим. 5.Янги, суви қочмаган. 7.Ёр қоматига ташбеҳ қилинадиган дарахт. 8.Қараш, боқиш. 9.Само, фазо. 10.Мусулмончилик фарзларидан бири. 12.Қалб софлиги, виждонга ёндош тушунча. 14.Шиш, қавариқ. 19.Тошкент шаҳрининг қадимий номи. 21.Шуъла. 22.Билим манбаи. 24.Бўлак, парча, қисм. 25.Идиш номи. 26.Дарбадар, саёқ. 28.Сўфининг намозга чақириғи. 29.Коинот, осмон. 30.Алам, изтироб. 32. Доно, оқил (аёл кишига нисбатан). 34.Чолғу асбоби. 35.Ҳаё, ибо.

**ЭНИГА:** 1.Ушалмаган орзу. 3.Бурж номи. 6.Одам, башар. 9.Шоҳ ва шоир Муҳаммад Раҳимхон II тахаллуси. 11.Адолатли, ҳақпарвар. 13.Енгил эмас. 15.Навбат. 16.Мовароуннаҳрдаги қадимий маданий марказ бўлган шаҳарлардан бири. 17.XVIII-XIX асрларда ўлкамизда ҳукм сурган хонлар сулоласи барҳам топгач, тахтга келган янги сулола вакиллари номланиши. 18.Нашр қилувчи. 20.Кулгу, табассум. 22.Ипак безакли мато. 23.Фақир, бечора. 27.Зодагон, оқсуяк. 29.Тафаккур махсули. 31.Амир Темур бошчилигида Тошкент атрофида бўлиб ўтган жанг номи. 33.Инсонга хос иллат. 35.Кунчиқар томон. 36.Шиша махсулоти. 37.Белги, имо. 38.Янги дунёга келган чақалоқнинг 40 куни. 39. Муҳаммад Пайғамбарнинг волидаи муҳтарамалари исми.





Mahalla
Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайъати:
Аъзам ГАДОЙБОЕВ, Акмал САИДОВ, Ниғматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Расул РАҲМОНОВ, Абдунаби МАННОПОВ, Мавлуда ҚОСИМОВА (бош муҳаррир ўринбосари), Бахтиёр РИЗАЕВ, Шуҳрат РИЗАЕВ, Беҳбуд ЖУМАЕВ, Таънаберди ҚУРБОНОВ, Эркин ҒУЛОМОВ.

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93.
Тел/Факс: — 133-44-25.
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62.

9004 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-427 Топширилди—